

2-1-2020

INCREASING POSSIBILITIES OF OBTAINING DEMOGRAPHIC DIVIDEND IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Kh. Abdurahmonov

Higher School of Strategic Analysis and Forecasting of the Republic of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abdurahmonov, Kh. (2020) "INCREASING POSSIBILITIES OF OBTAINING DEMOGRAPHIC DIVIDEND IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 23. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Х.Х.Абдураманов - Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби мустақил тадқиқотчиси, и.ф.н., проф.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОГРАФИК ДИВИДЕНД ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ

Ушбу мақолада демографик ўтиш ва демографик дивиденд олиш босқичлари, демографик дивиденддан олинган иқтисодий манфаатлар таснифланган, Ўзбекистон Республикасида демографик дивиденд олиш имкониятлари таҳлил қилинган ҳамда уни ошириш йўналишлари таклиф этилган.

Таянч сўз ва иборалар: аҳоли сони, аҳолининг такрор барпо бўлиши, демографик дивиденд, демографик ўтиш, демографик сиёсат, демографик қарздорлик.

ПОВЫШЕНИЕ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ПОЛУЧЕНИЯ ДЕМОГРАФИЧЕСКОГО ДИВИДЕНДА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

В данной статье классифицированы этапы демографического перехода и получения демографического дивиденда, а так же экономические интересы от получения демографического дивиденда, проанализированы возможности получения демографического дивиденда в Республике Узбекистан и предложены направления его повышения.

Ключевые слова: численность населения, воспроизводство населения, демографический дивиденд, демографический переход, демографическая политика, демографическая задолженность.

INCREASING POSSIBILITIES OF OBTAINING DEMOGRAPHIC DIVIDEND IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

This article classifies the stages of the demographic transition and the receipt of a demographic dividend, as well as the economic interests of receiving a demographic dividend, analyzes the possibilities of obtaining a demographic dividend in the Republic of Uzbekistan and suggests ways to increase it.

Key words: population, population reproduction, demographic dividend, demographic transition, population policy, population debt.

КИРИШ

Демографик вазият мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараён бўлиб, мамлакат аҳолиси ўртасидаги туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш ва миграцияда ўз аксини топади. Бугунги кунга қадар дунёдаги барча мамлакатлар аҳолисининг ёш таркибида сезиларли ўзгаришларни бошидан кечирган ва бу ҳолат ҳали ҳам давом этмоқда. Сўнгги йилларда олиб борилган кўплаб тадқиқотлар ривожланаётган мамлакатлар учун иқтисодий ўсишнинг

жадаллашувида аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар жуда аҳамиятли эканлигини кўрсатмоқда.

“Демографик дивиденд” атамаси аҳолининг умумий сонида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг катта улуши мавжудлиги туфайли эришилиши мумкин бўлган иқтисодий ўсишни тавсифлайди. Ушбу ҳолатда мамлакатдаги демографик вазият асосий ҳаракатлантирувчи омил ҳисобланади. Туғилиш ва ўлим сонининг камайишига қараб аҳолининг ёш таркиби ҳам ўзгаради. Туғилишлар сони камайганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига нисбатан вояга етмаган қарамокдагилар сони ҳам камаяди. Бу дивиденд олинishi мумкин бўлган фурсат ҳисобланади. Яъни бошқа ёш гуруҳларига қараганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг ўсиши ҳар бир меҳнатга лаёқатли инсон кам сонли қарамокдагиларни боқиб туришини ва бу билан кўпроқ соф даромадга эғалигини англатади. Бу ҳол истеъмолни, ишлаб чиқаришни ва инвестицияларни рағбатлантиради ва бу, ўз навбатида, иқтисодий ўсишга туртки бериши мумкин.

Демографик дивиденд мамлакат аҳолиси ёш таркибидаги ўзгаришлар таъсири натижасида юзага келувчи иқтисодий ўсиш ҳолати билан изоҳланади. Бунда мамлакат аҳолисининг ёш таркибидаги ўзгаришлар ўша ҳудуддаги туғруқ ёшига етган ҳар бир аёл учун тўғри келувчи болаларнинг ўртача сони ва ўлим кўрсаткичи даражасининг камайиши ҳисобига юзага келади. Бошқа сўз билан айтганда, демографик дивиденд мамлакатда туғилиш ва ўлим даражасининг камайишидан келиб чиқувчи жадал иқтисодий ўсишда намоён бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келди ва у аҳоли ўсиш суръатининг, шу билан бир вақтда аҳолининг ёш таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдагилар улушининг ортишида намоён бўлмоқда. Бу эса, Ўзбекистонда демографик дивиденднинг “имкониятлар ойнаси”дан унумли фойдаланишга эҳтиёжни юзага келтиради.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Катлер, Потерба, Шейнер, Сумерс ва Акерлофлардан иборат хорижлик иқтисодчи олимлар жамоасининг АҚШ ва Шарқий Осиё мамлакатлари бўйича олиб борган тадқиқотларига кўра, аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ўсишини меҳнатда банд бўлган ҳар бир ишчининг унумдорлигининг ўсишидан сезиларли даражада юқори бўлишига олиб келганлигини аниқлаган [1]. Бундай вазиятнинг юзага келишига сабаб аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар аҳоли сони ва меҳнат ёшидаги ишлаётган аҳоли сонининг ўсиши ўртасида фарқланишга олиб келиши деб изоҳлаш мумкин. Умумий аҳоли таркибида ЯИМни киши бошига тўғри келадиган даромад улушининг ўсишига сабаб бўлувчи меҳнат ёшидаги ишлаётган аҳоли сонининг ортиши “демографик бонус” ёки “демографик дивиденд” деб аталувчи иқтисодий юксалиш имкониятларини юзага келтиради.

Хорижлик иқтисодчи олим Катие Луома ўзининг илмий тадқиқотида демографик дивидендни оилада кўп фарзандлари бўлиб, қисқа умр кўрувчи аҳоли қатламидан кам фарзандли бўлиб, узок умр кўрувчи аҳоли қатламига

ўтиши билан юзага келувчи аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар натижасидаги иқтисодий ўсиш деб изоҳлаган [2].

Демографик дивидендга бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг асосида меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз ёшдаги аҳоли сонининг нисбатини кўрсатувчи демографик босимни таҳлил қилиш ётади [3]. Бироқ, мамлакатдаги истеъмол ва даромадларнинг ўртача даражаси ҳақидаги маълумотлардан ушбу мамлакат аҳолиси таркиби билан солиштириш орқали ёш гуруҳлари бўйича бўлиб фойдаланган ҳолда мазкур дивиденднинг янада деталлаштирилган таҳлилинини ўтказиш мумкин. Бу ўша вақтда ушбу шароитдаги барча истеъмолчиларни боқиш учун талаб этиладиган ходимлар сони ва соф трансфертларнинг янада батафсилроқ таърифини беради.

Ш.Ғ.Акрамованинг фикрича, Ўзбекистан шароитида аҳоли сони ўсиши, хусусан, ёш-жинс таркиби бўйича мақбул вазият ёки демографлар таърифига кўра «демографик имкониятлар дарчаси» шаклланганидан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишга туртки бўладиган омил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу, ўз навбатида, таълим, соғлиқни сақлаш ва бандлик соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсатни талаб этади. Айнан шу даврда инсон капиталига инвестиция истиқболда яна бир ижобий натижа, яъни «демографик дивиденд» учун замин яратади [4].

Сўнгги йилларда демограф олимлар томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишини демографик ўзгаришларни инобатга олмасдан аниқлаш мумкин эмас.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Демографик дивиденд – бу аҳоли ёш таркибининг ўзгариши, биринчи навбатда, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг улуши меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги аҳолининг улушидан юқори бўлган вазият билан боғлиқ бўлган иқтисодий ўсиш салоҳиятидир. Мақбул иқтисодий сиёсат амалга оширилиб, катта ҳажмдаги ва стратегик аҳамиятли инвестициялар инсон капиталига, биринчи навбатда, ёшларга йўналтирилган тақдирда ушбу салоҳият жуда катта бўлиши мумкин. Мазкур салоҳиятнинг ривожланишини қўллаб-қувватловчи мустаҳкам иқтисодий ва норматив база мавжуд бўлмаса, демографик дивидендни тўлиқ очиб беришнинг имкони бўлмайди.


Демографик дивиденд олиш учун дастлаб демографик ўтишни амалга ошириш керак. Демографик ўтиш дейилганда туғилиш ва ўлимнинг юқори даражасидан паст кўрсаткичларига ўтиш тушунилади [5].

Демографик ўтишнинг асосий босқичлари аниқ кўриниб турадиган графикда акс эттирилди (1-расм).

Ушбу расмдаги 1-босқич аҳоли такрор барпо бўлишининг туғилиш ва ўлим даражалари ўта юқори бўлган анъанавий патриархал турига мос келади, бу аҳоли сонининг паст суръатларда ўсишини белгилаб беради, унинг сони секин ўзгаради, чунки юқори даражадаги туғилиш юқори даражадаги ўлимдан – болалар ўлими ва катта ёшдагиларнинг барвақт ўлиmidан кўрилган

йўқотишларнинг ўрнини зўрға тўлдиради. Мазкур босқич аҳоли сонининг ўсишидаги “оддий” барқарорлик босқичи сифатида тавсифланади.

2-босқич аҳоли такрор барпо бўлишининг анъанавий туридан унинг замонавий турига ўтишнинг бошланишига мос келади, бунда саноатнинг ривожланиши билан аҳоли шаҳарларга кўчиб ўтади. Шаҳарларда тиббиёт ютуқлари, санитария-маиший ва иқтисодий турмуш шароитларининг яхшиланиши туфайли барвақт ўлим сони кескин қисқаради ва умр кўришнинг узунлиги ортади. Шу билан бирга, шаҳарларда ҳамон кўп фарзандли оила анъанаси сақланиб қолади. Аҳолининг катта улуши қишлоқда сақланиб туради, чунки эпидемия касалликларини енган тиббиёт ютуқлари у ерга ҳам етиб боради. Туғилишнинг юқори даражаси сақланиб қолиб, ўлим сони камайган ҳолда аҳоли сони энг юқори суръатларда ўсадиган демографик инқилоб босқичи бошланади.



1-расм. Демографик ўтиш босқичлари [6]

3-босқич – саноатнинг етук ривожланиш босқичида аҳоли сони ўсиш суръатларининг аста-секин пасайиши жараёнини кўрсатади. Бунда аҳолининг кўпчилиги шаҳарларда яшайди, оила кам фарзандлилик моделига тобора фаол ўтади. Ушбу модель шаҳардаги ўзига тўқ оилаларда пайдо бўлиб, аста-секин камбағал оилаларга ва қишлоқ аҳолисига ҳам тарқалади. Шунинг учун мазкур босқичда туғилишлар сони кескин пасая бошлайди, ўлим сонининг камайишига эса тиббиёт эришган даража ва ижтимоий-иқтисодий шароитлар тўсқинлик қилади. Боз устига, ўлим сони ошиши ҳам мумкин, чунки кекса аҳолининг улуши ортади, уларда эса ўлим даражасининг юқори бўлиши физиологик шартланган. Бу демографик инқилобнинг сўниши ва аҳоли сони ўсиш суръатларининг пасайиши босқичи ҳисобланади.

4-босқич аҳоли такрор барпо бўлишининг туғилиш ва ўлим даражалари юқори бўлган, ҳаёт сақлаб қолинадиган ва барча пайдо бўлган авлодлар учун умр кўришининг узунлиги юқори бўлган, туғилиш ва ўлим кўрсаткичларнинг ўзаро яқинлашганлиги туфайли аҳоли сонининг умумий ўсиш суръатлари паст бўлган янги – замонавий тури шаклланганлигини акс эттиради. Қатор ҳолатларда туғилишлар сони эришилган, табиий чекланган кўрсаткичларга эга бўлган ўлим даражасидан пасайиб кетади. Бу туғилишнинг ўзини ўзи тартибга солиши асосида аҳоли сонининг тез ўсишига барҳам берувчи “замонавий барқарорлик” босқичидир.

Демографик дивиденд ижобий самара бериши мумкин бўлган давр узок вақт – 50 йил ва ундан кўп давом этиши мумкин, бироқ пирвардида туғилишнинг паст кўрсаткичлари меҳнат ресурслари сони ўсишининг секинлашишига олиб келади, соғлиқни сақлаш соҳисидаги кейинги тараққиёт умр кўришининг кутилаётган ўртача узунлигининг ортишига ва кекса ёшдаги аҳоли улушининг мос тарзда ўсишига олиб келади.

Демографик дивиденд олиш салоҳиятига мувофиқ мамлакатларни куйидагича таснифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Демографик дивиденд олиш босқичлари

	Биринчи босқич – дивиденд олди	Иккинчи босқич – илк дивиденд	Учинчи босқич – кечки дивиденд	Тўртинчи босқич – дивиденддан кейинги
Туғилиш	юқори	юқори	паст	жуда паст
Ўлим	юқори	тез камайиш	паст	паст
Аҳоли	барқарор	тез кўпайиш	секин ўсиш	барқарор

Манба: жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Энди демографик дивиденд олиш босқичлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтсак.

1. Дивиденд олди. Бу босқичда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг улуши ортиб боради ва келгусида демографик дивиденд олиш мумкин бўлади. Туғилишнинг нисбатан юқори даражаси (бир аёлга тўрт нафар ва ундан кўп фарзанд) кузатилган мамлакатлар “дивиденд олди мамлакатлар” сифатида таснифланади, мадомики аҳоли сонининг тез ўсиши давом этаётганлиги туфайли жадал иқтисодий ўсиш учун демографик имкониятлар дарчаси ҳали очилмаган, чунки туғилишнинг юқори даражаси қарамоқдаги болалар улушининг ортишини англатади. Ўзбекистон 1990-йилларгача ушбу тоифага тегишли эди.

2. Илк дивиденд. Бу босқичда туғилишнинг ўртача даражаси фертил ёшидаги бир аёлга тўрт нафардан кам фарзандни ташкил қилгани ҳолда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг нисбий ортиб бораётганлигини намоён этади. Туғилишлар сонининг камайиши аҳоли таркибида болалар

улушининг қисқаришига олиб келади, бу меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг ортишини англатади. Ўзбекистон ҳозирги вақтда ушбу тоифага киради.

3. Кечки дивиденд босқичи. 2015 йилдан 2030 йилгача бўлган даврда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг камайишини бошдан кечирган мамлакатларда биринчи демографик дивиденд даври ниҳоясига етади. 1985 йилда (бундан тахминан бир авлод илгари) туғилиш коэффициенти ўринбосиш даражасидан юқори бўлган мамлакатлар “дивиденднинг кечки босқичи”даги мамлакатлар сифатида таснифланади. Дивиденднинг кечки босқичида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг улуши юқори ва, бунинг оқибатида, ушбу мамлакатлар биринчи демографик дивиденднинг меваларини кўришда давом этиши мумкин, лекин яқин йилларда улар меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг катта қисми кексайиши туфайли аҳолининг ёш таркибидаги жиддий ўзгаришларга дуч келади. Ҳозирги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон 2030-йилларнинг бошига келиб ушбу тоифа мамлакатлари қаторидан жой олиши прогноз қилинмоқда.

4. Дивиденддан кейинги босқич. Бу босқич мамлакатлар аҳолининг тез кексайишига дуч келади, бу меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг улушини янада камайтириб юборади.

Аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар натижасида демографик дивиденд бир неча босқичларда юзага келади (2-жадвал).

2-жадвал


Аҳолининг ёш таркибидаги таъсири нуқтаи назардан демографик ўтиш босқичлари

Босқич	Ифодаси
1	α^{\uparrow}
2	$\alpha^{\downarrow}\beta^{\uparrow}\delta^{\uparrow}$
3	$\alpha^{\downarrow}\beta^{\downarrow}\delta^{\uparrow}$

Бу ерда, α , β ва δ - мос равишда умумий аҳоли таркибида болалар, ўрта ёшдагилар ва кексалар улушининг нисбатлари.

Илк босқичда асосан болалар ўлими даражасининг камайиш ҳолати кузатилади ва бу туғилишлар сони ҳамда ёшлар сонини сезиларли ўсишига сабаб бўлади.


Шундан сўнг туғилиш даражаси камайиб бошлайди. Лекин, меҳнат ёшидаги аҳоли (16-60) сони ўсишда давом этади. Бу даврда иқтисодий қарамлик (демографик босим) даражаси ҳам камаяди. Натижада, ҳукумат ва меҳнат ресурси таркибидаги аҳоли қатлами болаларга харажатларини камайтиради ва даромадларининг асосий қисмини жамғарма ёки унумли инвестицияларга йўналтиради. Бу орқали улар иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Бу эса, муайян шароитларда, мамлакат ва аҳоли учун биринчи “демографик дивиденд”дан фойдаланиш имкони беради. Бу давр тахминан 50 йил, яъни меҳнат ёшидаги кўп сонли аҳоли қатлами пенсия ёшига етгунга қадар давом этиши мумкин (2-расм).



2-расм. Биринчи демографик дивиденд

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.


Биринчи давр ниҳоясига етиши билан соҳадаги баъзи олимларнинг изоҳлашича, кўп сонли пенсия ёшидаги аҳоли қатлами “иккинчи демографик дивиденд” деб аталувчи катта имкониятни юзага келтиради. Кўп йиллар давомида яшаш имконига эга бўлган “кекса фуқаролар” мулклари ва активларини йиғиш ва тежаш учун кучли рағбатга эгадир. Агар улар ушбу маблағларни инвестицияга йўналтирса, миллий иқтисодиётни барқарор ўсишига ёрдам бериши мумкин.



3-расм. Иккинчи демографик дивиденд

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Учинчи босқичда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт натижасида туғилиш даражасининг камайиши аҳолининг табиий ўсиш суръатларининг пасайишига сабаб бўлади. Бундай динамик ўзгаришнинг пировард натижаси эса аҳолининг қаришига олиб келади. Қисқача изоҳлаганда, қуйидаги 4-расмда биз биринчи навбатда, аҳолининг табиий кўпайиш даражаси ўсишини, кейин эса маълум нуқтага етгандан кейин акс ўзгаришни кузатишимиз мумкин. Бу давр оралиғи бир авлод алмашинув даври билан тенгдир.



4-расм. Туғилиш даражаси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.


Мамлакатнинг ёш таркиби энг самарали бўлган давр оралиғида, етарли даражадаги меҳнат таклифи билан бирга аҳоли жамғармасининг юқори даражасини таъминланиши мамлакат учун қўшимча иқтисодий ўсиш манбаига эга бўлиши ва демографик дивидендни ҳосил қилиши мумкин.

Ниҳоят, аҳолининг тез қариши натижасида аҳоли ёш таркибининг иқтисодий ўсишга таъсири камайиши билан учинчи босқичдан кейинги жараёнларда демографик дивиденд секин-аста йўқола бошлайди.

Шундай қилиб, умумий туғилиш даражаси камайишни бошлаган нуқтада аҳолининг ёш таркиби “демографик имкониятлар ойнаси” деб аталувчи энг унумли даврга тўғри келади.

Демографик дивиденднинг сўнгги босқичи ниҳоясида жамиятда демографик қарздорлик деб аталувчи яна бир муаммонинг юзага келишини кузатиш мумкин. Яъни туғилиш даражасининг камайиши вақтида шаклланган кам сонли авлод вакиллари кейинчалик эртанги кўп сонли кекса авлод вакилларига ғамхўрлик қилиш масъулиятини чеклаб қўяди. Бу эса жамиятда айрим ижтимоий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу муаммоларни ҳал этишда мамлакатда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва ижтимоий институтларни қўпайтириш ҳамда улар фаолиятини рағбатлантириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демографик дивиденддан оладиган иқтисодий манфаат куйидаги расмда келтирилган (5-расм).



5-расм. Демографик дивиденддан олинадиган иқтисодий манфаат

Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Агар ҳар бир мамлакат аҳоли ёш таркибидаги ўзгаришларга оқилона сиёсат билан эътибор қаратадиган бўлса, улар куйидаги тўрт йўналишдаги иқтисодий манфаатлардан наф кўради.

1. Ишчи кучи таклифи:

– иқтисодиётга кўпроқ ишчиларни жалб қилиш ҳамда уларга унумли меҳнат қилиш имконини беради;

– аёллар хўжалик ташвишларидан ҳоли бўлиб, уйдан ташқарида иш топиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

2. Жамғарма:

– шахсий жамғарма миқдори ўсади ва улар иқтисодиётни жонлаштириш учун ресурс сифатида хизмат қилади.

3. Инсон капитали:

– туғилиш даражасининг камайиши репродуктив саломатликда ўз аксини топади ҳамда оила хўжалигидаги иқтисодий ташвиш камаяди;

– ота-оналар фарзандларининг ҳар бири учун уларнинг соғлиги ва таълим сифати даражасининг ортишига сабаб бўлувчи етарлича инвестиция киритиш имконига эга бўлади. Яъни, миқдор-сифат назарияси нуқтаи назаридан, ҳар бир фарзанднинг таълими ва соғлиғига йўналтириладиган инвестициялар миқдорини ортади.

4. Иқтисодий ўсиш:

– аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ улуши оилалардаги иқтисодий қарамлик даражасининг камайиши ҳисобига ортади. Мисол учун, Блум ва Уилямсонлардан иборат хорижлик иқтисодий олимлар жамоаси тадқиқотларига

кўра, “Осиё йўлбарслари” саналган Шарқий Осиё давлатларининг ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улушининг учдан бир қисми меҳнатда банд бўлган аҳоли сони ортишидан келиб чиқиши маълум бўлган [7].

Шу ўринда демографик дивиденддан кимлар кўпроқ манфаатдор бўлади ёки аксинча, аҳолининг қариш жараёни демографик дивидендни демографик босимга айлантирган вазиятда бундан кимлар кўпроқ азият чекади, деган савол ечимини топиш тадқиқот олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Биринчидан, аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар аҳоли даромадлари нуқтаи назардан авлодлараро фарқларни юзага келишига таъсир кўрсатиши мумкин. Иккинчидан, демографик дивидендни узоқ давом этадиган ижобий таъсирга эга ёки эга эмаслиги унинг жамиятда юқори даражадаги инсон ва жисмоний капиталнинг шаклланишига сабаб бўлиши ёки бўлмаслигига кўпроқ боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатлар асосан ёшларга демографик дивиденд имкониятларининг номутаносиб тарзда тақсимланиши натижасида юзага келиши мумкин. Учинчидан, демографик дивиденднинг ижтимоий фаровонлик оқибатлари ва унда юзага келадиган туғилиш даражасининг пастлиги бу дивиденддан кимлар кўпроқ манфаатдор бўлишига ҳам боғлиқ бўлади.

Агар ижобий демографик кўрсаткичлар туғилиш даражаси камайган оилалардаги киши бошига тўғри келадиган даромадни ортишига олиб келса, бундай шароитда ҳукумат томонидан бериладиган қўшимча тўловлар демографик дивиденд ҳосил қиладиган манфаатдорлик билан боғлиқ бўлмайди. Демографик дивиденддан кўпроқ кимлар манфаат кўриши асосан аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар иқтисодий фаол ёшдагиларнинг иқтисодий фаол бўлмаган ёшдагиларга берадиган иқтисодий кўмагига қандай таъсир кўрсатишига боғлиқ бўлади.

Одатда, демографик дивиденд абадий давом этадиган воқелик эмас. У имкониятларнинг чекланган давр оралиғида содир бўлади. Вақт ўтиши билан аҳолининг ёш таркиби ўзгаришда давом этади, яъни аҳолининг ўрта ёш қатлами кексайиб бошлагандан сўнг улар унумдорлиги пастроқ бўлган ёш қатламига ўта бошлайди. Уларнинг ўрнини туғилиш даражаси камайган даврда дунёга келган кам сонли авлод вакиллари эгаллай бошлайди. Бу ҳолат рўй берганида, иқтисодий қарамлик (демографик босим) нисбати яна орта бошлайди. Шунинг учун, бу даврда кичик ёшдаги аҳоли қатлампидан кўра катта ёшдаги аҳоли қатламига кўпроқ эътибор қаратиш лозим бўлади [8].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Демографик сиёсатни амалга оширишга қаратилган ҳукуматнинг тўғри макроиқтисодий сиёсати мавжуд бўлмаса, меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиши ишсизлик, сиёсий беқарорлик, коррупция ва жинойтчиликнинг ортиши ҳамда ижтимоий капиталнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун мамлакатда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни оқилона амалга оширилиши ҳисобига демографик дивидендни қўлга киритилишини таъминлайди. Бу эса ривожланиш учун етарли демографик афзалликларга эга бўлган иқтисодиётларнинг нафақат туғилиш ва ўлим даражасининг камайиши даврига кириб боришини, балки оилани режалаштириш, репродуктив

саломатлик, сифатли таълим, аёллар ва вояга етмаган қизларга инвестицияни кўпроқ йўналтириш ҳамда янги иш ўринларини яратишни мақсад қилувчи сиёсат ва дастурларни самарали амалга оширишлари лозимлигини ҳам англатади.

Ўзбекистон Республикасида демографик дивиденд олиш имкониятларини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Оилани режалаштириш. Оиланинг ҳажми фарзандларга инвестициялар киритилишга ўз таъсирини кўрсатади. Оилани режалаштириш инсон капиталини жамғаришни рағбатлантириш борасидаги энг самарали ва рентабелли чора-тадбирлардан биридир.

2. Ёшларни ўқитиш ва соғлиғини сақлашга инвестициялар киритиш. Бу нафақат ўз фаровонлигини, балки уларнинг иш берувчилар учун жозибдорлигини, меҳнат унумдорлиги ва даромадларини ҳам оширади.

3. Касалликлар профилактикаси бўйича давлат хизматларини кўрсатиш. Айниқса бундай хизматлар ёшлар учун муҳим аҳамиятга эга. Она ва бола соғлиғини сақлаш бўйича хизматларнинг муҳимлиги умумий эътироф этилган, бироқ болаларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланишини секинлаштирувчи юқумли ва паразитар касалликларга чалиниш хавфини камайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим, бу ўқиш натижалари ва кейинги даромадлар учун узок муддатли оқибатларга эга. Касалликлар профилактикаси бўйича давлат хизматлари Ўзбекистон Республикасида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор йўналиш бўлиши лозим.

4. Меҳнат бозорида ёшларнинг мобиллигини ошириш, яшаш ва ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш. Қишлоқ ҳудудларида қишлоқ хўжалигида, кичик корхоналарда кун кечириш учун маблағлар манбалари доирасини кенгайтиришга эътибор қаратиш лозим. Ишлаб чиқариш саноати, эҳтимол, чекланган маълумотга эга бўлган ёшларни оммавий тарзда ишга жойлаштириш учун имкониятлар таклиф этади ва шу билан бирга мавжуд меҳнат ресурсларининг унумлироқ ишларга жалб этилиши туфайли мамлакатларга демографик дивиденддан катта наф билан фойдаланишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда демографик ўсиш ҳисобидан ер ресурслари йил сайин камайиб бормоқда. Бу қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи жуда кўп сонли ёшларни ишга жойлаштириш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириши ва бир вақтнинг ўзида уларнинг шижоатидан демографик дивиденд олиш учун самаралироқ фойдаланиш имконини бериши мумкин. Расмий сектор янги иш ўринларини ташкил этиш ва ёшларнинг даромадларини кўпайтириш учун кенг имкониятларни таклиф этади ва бир ходимга қайта ҳисобланганда анча юқори даражадаги қўшилган қийматни назарда тутаяди. Бу, айниқса, жаҳон бозорлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаши, кўп сонли паст малакали ходимларни қамраб олиши ва ёшларга глобаллашув меваларидан фойдаланиш имконини берувчи имкониятларни яратиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш саноати ҳолатида аниқ. Давлат янги иш ўринларини ташкил этиш ва ёшлар учун даромадларнинг муҳим манбаига айланиши мумкин бўлган қишлоқ корхоналарининг унумдорлигини оширишда

ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим. Бунда ижтимоий инфратузилма ҳамда қишлоқни кредитлаш ва ишончли электр таъминоти механизмларининг мавжудлигини таъминлаш зарур.

5. Банк хизматлари ва кредитлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш. Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг молия муассасаларидан фойдаланиш имконияти чекланган, бу бир қатор сабаблар, шу жумладан географик узоқлик, ҳисобварақларни очишда қўйиладиган талабларга жавоб бермаслик ва қоғоз шакллари тўлдиришнинг мураккаблиги билан изоҳланади. Айрим муассасалар кредитлардан фойдаланишнинг банкларга қараганда енгилроқ шароитларини таклиф этади. Масалан, почта бўлимлари камбағаллар, етарлича таълим олмаганлар ва ишсизлар учун ҳисобварақлар очади. Кўпинча ушбу муқобил муассасаларга бошқа жойда истиқомат қилувчи оила аъзоларидан иш ҳақининг ўтказмаларини амалга оширишга ёки давлат трансфертларининг берилишини расмийлаштиришга рухсат этилади. Шунингдек, улар ҳисобварақларни юритиш учун ўз хизматлари билан аҳолининг кенгроқ қатламларини қамраб олиш мақсадида бошқа молиявий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишлари мумкин. Масалан, Бразилияда банклар ва молиявий муассасалар чакана савдо корхоналари, почта бўлимлари тармоғи ва лотерея компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Мобил телефон бўйича тўлов тизими каби янги технологиялар аҳолининг кам таъминланган қатламларига айрим арзон молия хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш имконини беради. Масалан, Кенияда M-PESA пул олиш, тўловларни амалга ошириш ва чакана дўконлар тармоғида нақд пулларни ечиш имконини берувчи шахсий электрон ҳисобварақларни таклиф этади. Ёшлар ушбу янги технологиялардан фаол фойдаланмоқда. Молиявий муассасалардан фойдаланиш имконияти жамғарма фаолиятини рағбатлантириб, кредитлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Бироқ, расмий молия муассасалари томонидан таклиф этиладиган кредитлардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиш ёшлар учун анча қийин, чунки улар, одатда, гаровга ҳеч нарса таклиф этилмайди ёки ўзининг кредитни тўлай олишини тасдиқлашга қодир эмас.

Банклар, шунингдек, солидар кредитлашни ҳам қўллаши мумкин. Масалан, Боливияда «Банко Соль» гуруҳ бўлиб солидар кредитлаш стратегиясини қўллайди, унга кўра аъзолар кредитлар бўйича солидар жавобгарликни ўз зиммасига олувчи кичик гуруҳни ташкил этади, банк эса бир вақтнинг ўзида гуруҳнинг барча аъзоларига кредит беради.

Агар давлат ва йирик тадбиркорлар малакали кадрлар, ғоялар ва сотиш борасидаги имкониятлар борасида ёрдам кўрсатишни бошласа, кичик корхоналар кўламлари ва уларнинг унумдорлиги сезиларли даражада ортиши мумкин.

6. Молиявий таълим ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш ҳам ёшларга таклиф этилаётган молиявий хизматлардан унумли фойдаланишга ёрдам беради. Давлат сиёсати ва рағбатлантирувчи омиллар молиявий секторни зарур молиявий маҳсулотларни ишлаб чиқишга ҳамда хизматлар кўрсатиш инновацион каналларини, шу жумладан ёшлар, хусусан ёш аёллар

фойдаланиши мумкин бўладиган **банк хизматларини тақдим этишнинг мобил ва мактаб дастурларини яратишга қизиқтиришга** ёрдам бериши мумкин. **Молиявий таълим** ёшларнинг оқилона молиявий қарорлар қабул қилиш ва уларнинг молиявий хатти-харакатига салбий таъсирга (масалан, ОАВ, оила аъзолари ва тенгдошлар томонидан босимга) қаршилик кўрсатиш имконини берувчи билимлар, кўникмалар ва муносабатни орттиришини таъминлаш туфайли уларнинг иқтисодий заифлигини камайтиришга йўналтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда олиб борилаётган демографик сиёсат аниқ ишлаб чиқилган демографик чора-тадбирларга айлантирилсагина туғилиш даражаси ва умумий аҳоли ўсишининг камайиши жамият учун потенциал даражада демографик дивиденддан манфаатдор бўлишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sang-Hyop Lee, Andrew Mason. Who gains from the demographic dividend? Forecasting income by age. International journal of Forecasting 23 (2007) 603-619.
2. <https://populationeducation.org/what-demographic-dividend/>
3. Барсуков В.Н. От демографического дивиденда к старению населения: мировые тенденции системного перехода // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз издательство: Вологодский научный центр российской академии наук. Том: 12. №4. – Москва, 2019. – С.167-182.
4. Акрамова Ш.Ф. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019 – 16-б.
5. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. Demografiya. O'quv qo'llanma. – T.: Noshir, 2011. – 194-b.
6. McCarthy (2001), Rand; Population Matters // <https://www.rand.org>
7. Diogo Baerlochera, Stephen L. Parenteb, Eduardo Rios-Netoc, Economic effects of demographic dividend in Brazilian regions. The Journal of the Economics of Ageing 14 (2019) 100198
8. John Ross. Understanding the Demographic Dividend. POLICY Project, Futures Group One Thomas Circle. September 2004. – p 8.